*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

7 июнь, шанба, 1997 йил

Сотувда эркин нархда. № 123 (1640)

## «ЎЗБЕКИСТОН XXI АСР БЎСАҒАСИДА»

### ХОРИЖЛИКЛАР УЧУН ТАҚДИМОТ МАРОСИМИ

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг қабуллар уйида 6 июнь куни Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» номли китобининг мамлакатимиздаги хорижий давлатлар дипломатия ваколатхоналари вакиллари, чет эллик журналистлар учун тақдимот маросими бўлди.

Маросимни ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов очиб, ҳуқуқий демократик давлат қуриш йўлидан бораётган республикамиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган мазкур китобнинг мазмун ва моҳияти ҳақида сўзлади.

Асарнинг айни ҳозирги кунда яратилиши бежиз эмас. Чунки ўтиш даври деб аталган бугунги кунда мамлакатлар тараққиёти ва фуқаролар фаровонлиги фақатгина иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий омиллар билан чекланиб қолмаяпти. Айрим давлатлардаги шовинистик дунёқараш, мутаассиблик, наркобизнес, миллатлар ва элатлараро низолар ҳам тараққиётга тўсқинлик қилмоқда. «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида бу муаммолар теран таҳлил этилган, айни чоғда уларни бартараф этиш йўллари аниқ-равшан кўрсатиб берилган.

Тақдимот маросимида Президентнинг Матбуот котиби Мурод Муҳаммад Дўст, Олий Мажлиснинг Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси раиси Эркин Воҳидов ҳамда Ўзбекистон Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти директори Миракбар Раҳмонқулов сўзга чиқдилар.

Таъкидландики, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китоби кенг жамоатчиликка қаратилгани билан эътиборга моликдир. Унда халқ, Ватан манфаати биринчи ўринга қўйилади ва барқарор тараққиётни кафолатловчи омиллар, иқтисодий ўсиш асослари ҳақида теран илмий фикрлар баён этилади. Маросимда сўзга чиққанлар мазкур асарни давлат раҳбарининг халқ билан очиқ мулоқоти, дея баҳоладилар.

Хавфсизлик нуқтаи назаридан ёндашилганда эса, Президентимизнинг мазкур китобини замонавий хавфсизлик фалсафаси ва стратегиясини ўзида тўлиқ акс эттирган қўлланма, дейиш мумкин. Бинобарин, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китоби нафақат Ватанимизда, балки хорижда ҳам катта қизиқиш билан ўқиладиган, ижтимоий онгни юксалтиришда ва замонавий дунёқарашни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга бўлган асардир, деб таъкидланди маросимда.

(ЎзА).

## ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Саудия Арабистони Подшоҳлигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Абу Бакр Аббос Рафиа ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда Саудия Арабистонининг биринчи элчиси фаолият бошлаганидан мамнуният билдириб, Абу Бакр Аббос Рафиани ушбу шарафли вазифада иш бошлаётгани билан қутлади. Шунингдек, Президент Ўзбекистон билан Саудия Арабистони ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш йўлида элчи жанобларининг меҳнати алоҳида аҳамият касб этажагини айтди.

Абу Бакр Аббос Рафиа мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш, халқларимизни бир-бирига яқинлаштириш йўлида бор куч-ғайратини аямаслигини таъкидлади.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Россия Федерациясининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Александр Пацев ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

-- Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги иқтисодий, маданий алоқалар узоқ тарихга бориб тақалади. Халқларимизни бир-бирига боғлаб турадиган кўплаб ришталар мавжуд, -- деди Ислом Каримов ишонч ёрлиғини қабул қилиб олар экан. -- Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ўзаро муносабатларимиз тенглик негизига қурилган янгича тамойиллар асосида шаклланди. Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада кенгайтириш ҳар икки томон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

А. Пацев Россия ҳукумати Ўзбекистонда кечаётган иқтисодий-сиёсий ислоҳотлар жараёнини катта қизиқиш билан кузатиб бораётганини айтди. Шунингдек, у мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш ишига имкон қадар ҳисса қўшажагини билдирди.

* * *

6 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Испаниянинг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси этиб тайинланган Хосе Антонио де Итурриага Барберан ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистонда юксак халқаро мавқега эга бўлган Испания давлати элчихонасининг очилиши қувонарли воқеа эканини таъкидлади. Шарафли ва масъулиятли вазифасини бажаришда Испания элчисига муваффақият тилади.

Хосе Антонио де Итурриага Барберан Испаниянинг Ўзбекистон билан муносабатларни янада яхшилаш ҳамда ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдор эканини қайд этиб, зиммасига юкланган вазифани шараф билан адо этишга ҳаракат қилажагини таъкидлади.

* * *

Шунингдек, 6 июнь куни Президент Ислом Каримовга Марокаш Подшоҳлигининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Аҳмад Бурзаим ишонч ёрлиғини топширди.

Мамлакатимиз раҳбари Марокаш Подшоҳлигини халқаро можароларни ҳал этишга катта улуш қўшаётган давлат деб билишини айтиб, масъулиятли миссиясини бажаришда Аҳмад Бурзаимга муваффақият тилади.

Марокаш элчиси кўрсатилган самимият ва ишонч учун Президентга миннатдорлик билдирди, зиммасига юкланган вазифани адо этишда куч-қувватини аямаслигини таъкидлади.

Ишонч ёрлиқларини топшириш маросимида ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов иштирок этди.

(ЎзА).



*Балиқчи туманидаги Алишер Навоий номли жамоа хўжалиги деҳқонлари бу йил 260 гектар майдондаги буғдойнинг ҳар гектаридан 70 центнердан дон йиғиштириб олишни режалаштиришган.*

*СУРАТДА: бош мутахассис З. Раҳматуллаев ва бригада бошлиғи Қ. Қобулов.*

Ш. ОЛИМОВ олган сурат.

## ХАЛҚАРО АНЖУМАН ЯКУНЛАНДИ

6 июнь куни «Ўзбекистон темир йўллари» давлат ҳиссадорлик компаниясида Темир йўллар ҳамкорлиги ташкилоти (ТЙҲТ) вазирлар кенгашининг XXV сессияси ўз ишини давом эттирди.

Осиё, Америка ва Европадан ушбу ташкилотга аъзо 26 мамлакат вакиллари, соҳа мутахассислари темир йўл хизмати бўйича тўпланган тажрибалар ҳақида ўзаро фикр алмашдилар. Сессия иштирокчилари бу борадаги ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ташкилотга аъзо барча мамлакатлар учун манфаатли эканини қайд этдилар.

Мазкур анжуман аввалгиларидан шуниси билан фарқ қиладики, унда ТЙҲТ фаолиятини кенгайтириш, аъзо давлатлар ҳудудида темир йўллар хизматини яхшилаш билан боғлиқ ўндан зиёд муҳим масала муваффақиятли муҳокама қилинди.

Анжуманда Темир йўллар ҳамкорлиги ташкилоти вазирлар кенгашининг навбатдаги сессиясини 1998 йили Белорус пойтахти -- Минск шаҳрида ўтказишга қарор қилинди.

Анжуман ниҳоясида Темир йўллар ҳамкорлиги ташкилоти вазирлар кенгашининг XXV сессияси кун тартибига киритилган масалаларга оид якуний ҳужжат -- протокол имзоланди. Шу билан сессия ўз ишини якунлади.

(ЎзА).

## ДУНЁ БОЛАЛАР НИГОҲИДА

Республика ўқувчилар саройида «Замонавий дунё болалар нигоҳида» мавзуида халқаро кўрик-танлов ўтказилди. Икки кун давом этган бу танловда Тошкент шаҳри, вилоятлар, шунингдек, Марказий Осиё мамлакатларидан ёш мусаввирлар қатнашди. Истеъдодли болалар яратган ранг-баранг тасвирий санъат асарларини Ўзбекистон халқ рассоми, Бадиий академия фахрий аъзоси Рўзи Чориев бошлиқ ҳайъат баҳолади.

Қашқадарё вилояти вакили Санжарбек Ҳусаинов билан республика ўқувчилар саройи қатнашчиси Жамшид Тиллаев биринчи ўринни эгаллади. Совриндорлар сафида тожикистонлик Дилафрўз Солиева, қирғизистонлик Жалин Тиленбоева, қозоғистонлик Асем Жолтоева ва Қорақалпоғистон Республикасидан Азамат Нурумбетовлар ҳам бор. Кўрик-танловда қатнашган бир гуруҳ иқтидорли ёш мусаввирлар Ўзбекистон Бадиий академияси таркибидаги республика бадиий коллежига қабул қилишга тавсия этилди.

(ЎзА).


## УШБУ СОНДА:

2-бет

ИМКОНИЯТ ИМТИЁЗ ЭМАС



3-бет




4-бет

ДУНЁ ЯШАР КЎЗЛАРДА

ОСОНМАС БУ МАЙДОН ИЧРА ТУРМОҚ




## ИСТИҚБОЛЛИ ҲАМКОРЛИК

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Вьетнам Социалистик Республикаси савдо вазирининг ўринбосари Хо Хуан Нгием раҳбарлигидаги ушбу мамлакат делегацияси аъзолари 5 июнь куни Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида бўлдилар.

Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари М. Асқаров меҳмонларга мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар, жумладан, Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари жараёни ҳақида сўзлаб берди. Суҳбат чоғида томонлар Ўзбекистон билан Вьетнам ўртасидаги иқтисодий алоқалар йилдан-йилга кенгайиб бораётганини эътироф этдилар. Шунингдек, мулоқот давомида мазкур алоқалар истиқболи билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлашиб олинди.

Учрашувда Вьетнам Социалистик Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Нгуен Чи Куанг ҳозир бўлди.

(ЎзА).

БИЗНИНГ ШАРҲ

## ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ТАЯНЧИ

### Олий Мажлис Кенгашининг кенгайтирилган мажлисида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунга ана шундай таъриф берилди

***Биз олдимизга ҳуқуқий демократик, одил фуқаролик жамияти қуришни ният қилиб қўйганимиз ҳеч кимга сир эмас. Хўш, одил фуқаролик жамияти қандай шаклланади? У айни пайтда қандай жараёнларни бошдан кечирмоқда? 5 июнь куни Олий Мажлис Кенгашининг кенгайтирилган мажлисида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг Тошкент вилоятидаги ижроси ҳақидаги масала муҳокама қилинаётганда хаёлимдан ана шундай ўй ва саволлар кечди.***

Дарҳақиқат, одил фуқаролик жамияти барпо қилишнинг асосий таянчи, омиллари нималардан иборат? Мажлисда Олий Мажлис Раиси ана шу саволга жавоб тариқасида ажойиб бир ўхшатиш қилди: Архимед: «Сиз менга ернинг таянч нуқтасини топиб беринг, мен уни ўрнидан силжитаман» деган экан, деди у. Шу маънода, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонунни ҳам одил фуқаролик жамияти барпо қилишнинг асосий таянчи ва воситаси, деб аташ мумкин. Зеро, мазкур масалани Олий Мажлис Кенгаши даражасида муҳокама қилишнинг асосий сабабларидан бири ҳам ана шу.

«Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун фуқароларнинг бошқариш тизимидаги фаолиятини оширишга, унинг бевосита иштирокчисига айланишига катта имконият яратади. Фуқаро энди эски тоталитар тузумдагидек кузатувчи эмас, аксинча, унинг яратувчиси, иштирокчисига айланади.

Бунинг учун, табиийки, фуқароларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онгини шакллантириш, юксалтириш лозим. Президентимиз 20 май куни ҳуқуқий соҳа мутахассислари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда айнан ана шу масалани кўтарган, ҳуқуқшунослардан унинг ечимини сўраган, галдаги вазифа ва чора-тадбирлар хусусида йўл-йўриқлар кўрсатган эди. Олий Мажлис Кенгаши мажлиси ва унда кўрилган масалаларни Президент томонидан қўйилган вазифаларни бажариш сари қўйилган қадам, деб аташ мумкин.

Фуқаролар жамият ҳаёти ва фаолиятига қанчалик кўп аралашса, фуқаролик жамияти қуриш жараёни ҳам шунчалик тезлашади. Шу боис мажлисда туман ва шаҳар ҳокимликларига қонун доирасида маҳаллий ҳаёт ва ҳудудга доир масалаларни ҳал этиш ваколатини фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасига топширишга қаратилган ишларни тезлаштириш зарурлиги ҳақида тавсиялар берилди. Одил фуқаролик жамияти қуриш беш ёки ўн йилда амалга ошириладиган жараён эмас. Одил фуқаролик жамиятида қонун устувор бўлади. Қонун устуворлиги эса фуқароларнинг ҳуқуқий савияси ва маданияти билан ўлчанади. Ўз ҳақ-ҳуқуқини таниган ва ҳимоя қила олган фуқаро шахс сифатида ўзини ўзи бошқараётган жамиятга нақадар дахлдор эканлигини тез ва чуқур ҳис қилади. Ва бу алал-оқибат онгнинг сифат ўзгаришига томон юз буришига имконият яратади. Онги юксак фуқароларга эга бўлган жамият эса ҳеч қачон завол кўрмайди, аксинча, тараққий этади, том маънода инсон шаъни, қадр-қиммати ва манфаатлари ҳимоя қилинадиган, улуғланадиган босқичга кўтарилади.

Мамлакатимизда айни пайтда ана шундай жамиятни барпо қилиш йўлида саъй-ҳаракат қилинмоқда. Ва бу йўлда дадил қадамлар ташланаётганлиги қувонарли ҳолдир.

**Исмат ХУДОЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## САТРЛАРДА ЮРТ НАФАСИ

### «Халқ сўзи» ва ЎзА мухбирлари хабар қилади

### МАДАНИЙ АЛОҚАЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгашида мамлакатимизга ташриф буюрган Ли Тэчен бошчилигидаги хорижий давлатлар билан дўстлик Хитой халқ жамияти делегацияси аъзолари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Хитой дўстлик жамияти фаоллари иштирок этди.

Кенгаш раиси Ж. Бўронов меҳмонларни Ўзбекистонга ташрифи билан қутлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро маданий алоқалар тобора кенгайиб бораётганини таъкидлади.

Мулоқот чоғида ўзаро маданий-маърифий, шунингдек, иқтисодий алоқаларни янада кенгайтириш билан боғлиқ масалалар хусусида фикрлар алмашилди.

Учрашув сўнггида меҳмонлар Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишланган кўргазма билан танишди.

### ОРОЛБЎЙИ БУНЁДКОРЛАРИ

«Оролсувқурилиш» ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси йил давомида кенг кўламдаги қурилиш-монтаж ишларини бажарди. Жумладан, 945 ўқувчига мўлжалланган тўртта мактаб, бешта врачлик пункти, 82 квартирали иккита уй фойдаланишга топширилди. Бирлашма қурувчилари Қўнғирот сода заводи мажмуига кирувчи иншоотларни бунёд этишда ҳам фаол қатнашмоқда. Улар Устюрт саҳросидаги бу йирик корхона учун маиший хизмат комбинати, клуб, тиббиёт маркази, ётоқхона ва болалар боғчаси қурилишини поёнига етказмоқда.

### «МЎЪЖИЗА» МАЖМУИ

Самарқанддаги Регистон ёдгорликлар мажмуи бағрида «Мўъжиза» деб номланган савдо мажмуи очилди. Шарқ меъморчилиги анъаналари асосида қурилган, ранго-ранг безаклари билан қадимий гумбазларга уйғунлашиб кетган бу бино вилоят матлубот кооперацияси ҳиссадорлик жамияти буюртмасига биноан қурилди. Бу ерда аҳоли зарур маҳсулотларни харид қилиши, сўлим чойхонада маданий ҳордиқ чиқариши учун барча шароит муҳайё этилган. Иккинчи қаватдаги қаҳвахона эса турли тўй-маърака ва маросимлар ўтказиш учун мўлжалланган.

### МОЗИЙДАН САДО

Археологлар эски Термиздаги ал-Ҳаким ат-Термизий мақбараси яқинида бир-бирига ўхшамайдиган тўртта ер ости ғорини топишди. Уларнинг узунлиги 7-10, кенглиги эса икки-уч метр бўлиб, икки томонда кўплаб токчалар бор. Мутахассислар фикрича, бир вақтлар бу токчаларга будда ҳайкалчалари қўйилган.

-- Хитойлик сайёҳ Хой Чаонинг ёзишича, саккизинчи асрнинг биринчи чорагида Термизда ўнта будда ибодатхонаси бўлган, -- дейди Ўзбекистон Фанлар академияси археология институтининг Сурхондарё бўлими раҳбари Тўхташ Аннаев. -- Эрамизнинг III-IV асрларида қурилган бу ер ости иншоотларида будда дини маросимлари ўтказилган. Демак, бу хитойлик сайёҳ ёзган будда ибодатхоналаридан бири бўлиши мумкин.

### ҒОЛИБЛАР

Қарши шаҳрида Ўзбекистон қўшиқ байрами вилоят кўрик-танлови якунланди. Нуфузли ҳайъат биринчи ўринга икки номзодни лойиқ кўрди. Яккабоғлик Исоқовлар оилавий дастаси ҳамда Қарши шаҳар педагогика билим юрти ўқитувчиси П. Ҳамидовга биринчи ўрин насиб этди.

Танлов ғолиблари Тошкентда ўтадиган республика қўшиқ байрамида иштирок этади.

### ҚЎШНИНГ ЯХШИ БЎЛСА

Фарғона вилояти чорвадорлари яйлов мавсумини ҳар қачонгидан эрта бошлади. Ҳозир Наманган вилоятининг Оқтов ва қўшни Қирғизистон Республикасининг ЖалоЛобод вилоятидаги Чотқол яйловларида вилоят хўжаликларининг 80 минг бошга яқин қўй-қўзиси боқилмоқда. Эндиликда вилоят хўжаликларининг 34 минг бошдан зиёд қўй-қўзиси шартномага мувофиқ Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятидаги Олой тумани яйловларида парваришланади.

